



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2016 йил 7 май, № 89 (6524)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ХОТИРА — АБАДИЙ, ҚАДР — МУҚАДДАС

Инсон қадри улуғланган, хотираси сарбаланд юртда яшаймиз. Бугунимиз кечаги кундан ёруғ, эртаимиз янада файзли, баракотли бўлишига ишончимиз комил. Навқирон авлод эъзозда, эътиборда, ёши улуғлар эҳтиромда. Халқимиз озод, юртимиз обод. Шундай азиз Ватанда яшамоқлик, унинг буюк келажаги йўлида меҳнат қилмоқлик бекиёс бахт.

ЭҲТИРОМ

“Тарихий хотирасиз келажақ йўқ!” Президентимизнинг бу сўзлари бугунги ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида яққол намоён бўлмоқда. Зеро, тарихий адолатни тикламай туриб, буюк келажақни куриб бўлмайди. Яқин ўтмишимизда истиқлолни орзу қилган, юртимиз тинч бўлсин, деб яшаган, аммо бу кунларга етмаганлар ёди ҳамиша қалбимизда. Шу маънода, истиқлол йилларида пойтахтимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида қад ростлаган Хотира майдони табарруқ ва муаззам масканларимиздан биридир.

Ушбу майдон шу кунларда янада гавжумлашган. Пойтахтимиз аҳли ҳамда меҳмонлар, нурунийлар, ўқувчи-ёшлар, хорихлик меҳмонлар Мотамсаро она ҳайкали пойида бир зум тўхтаб, тинчлик ва осойишталик ҳақида суҳбатлашишмоқда. Кечаю кундуз ўчмайдиган аланга ҳамда ҳайкал атрофида битилган: “Сен доим қалбимиздасан, ҳижарим” сўзлари ўтганлар хотираси ҳеч қачон унутилмаслигини эслатади, гўё.

— Тошкентга йўлни тушса, албатта, Хотира майдонини зиёрат қиламан, — дейди уруш ва меҳнат фахрийси, Ангрен шаҳри, Облиқ қишлоғи, Булоқбоши



маҳалласида яшовчи Фулом Башкиров. — Беихтиёр, ёшлик йилларим кўз олдимда гавдаланади. Бизнинг орзу-хавасларимиз, эзгу ниятларимизни отинг ўчгур уруш армонга айлантирди. Шўқрки, насибамиз бор экан, мустақиллик неъматидан баҳраманд бўлиб яшаймиз. Давлатимиз томонидан уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилганларга, урушда халок

бўлганларнинг оилаларига пенсия ҳамда нафақаларга ташқари, ҳар йили турли ижтимоий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Айниқса, 9 майнинг Хотира ва Қадрлаш кuni сифатида нишонланишидан жуда мамнунмиз. Ахир дунёда байрамлар кўп, маросимлар бисёр, аммо инсон қадрини эъзозлайдиган шодиёна ҳамма жойда ҳам йўқ. Мамлакатимизда ҳаётга татбиқ

этилаётган ислохотлар инсон ҳамда унинг манфаатларига қаратилган. Зеро, инсонга умр бир марта берилади. Ана шу умр давомида одамзод яхши яшашга, ҳаётдан завқланишга, қадрланишга ҳақлидир. Умрим давомида кўп нарсани кўрдим. Турли бало-қазолардан омон қолдим.

(Давоми 2-бетда).



ТАҚДИМОТ

Яқинда Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг ушбу давлатдаги элчихонаси томонидан ташкил этилган тадбирда Малайзиянинг қатор етакчи туристик компаниялари вакиллари қатнашди.

Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти Малайзияда намойиш этилди

Маросимда юртимизнинг сайёҳлик соҳасидаги кенг имкониятлари, шу жумладан, халқимиз маданияти ва кўп асрлик анъаналари, бой тарихи ҳамда замонавий тараққиёти ҳақидаги маълумотларга алоҳида ургу берилди. Хусусан, заминимиздаги ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатида киритилган тарихий обидалар ноёб меъморчилик дурдоналари сифатида анжуман иштирокчиларига таништирилди.

Шунингдек, тасвирий ва амалий санъат намуналари, миллий хунарамандчилик маҳсулотлари намойиши ҳам малайзияликларда катта қизиқиш уйғотди.

“Via Vacation & Travel Sdn Bhd” сайёҳлик компанияси вице-президенти Датук Сетиа Моҳд Иса ушбу кўргазмадан олган таассуротларини ўртоқлашар экан, Ўзбекистон азалдан Буюк Ипак йўлининг турли маданият ва тамаддунлар туташган маркази бўлганини қайд этди.

— Юртингиздаги қадимий ёдгорликлар, ўзбек халқининг бой маданияти ва анъаналари кўплай сайёҳлар, шу жумладан, малайзияликларни ҳам ўзига жалб қилаётир, — деди у. — Шу боис эндиликда бу тарихий мамла-

катга борадиган туристлар сонини янада кўпайтиришни режалаштираямиз. Ўзбек заминидagi табарруқ қадамжолар билан бирга, сайёҳликнинг экотуризм, геотуризм, экстремал, тиббий ва маданий йўналишларидаги имкониятларига оид қатор дастурларни ҳам ишлаб чиқмоқдамиз.

“TV Alhijrah” телеканали бошловчиси, журналист Зорая Вадило Ўзбекистон бўйлаб бир неча маротаба саёҳат қилганини, Шарқ дурдоналари саналими Самарқанд, Бухоро, Хива сингари шаҳарлар бағрида жойлашган бетакрор меъморчилик обидаларини ўз кўзи билан кўришга муяссар бўлганини айтди.

— Ҳар сафар Ўзбекистондан бой ва унутилмас таассуротлар билан қайтганман, — деди у. — Ҳозирги пайтда биз Ўзбекистон тарихи ҳамда унинг замонавий тараққиёти ҳақидаги теледастурларни тайёрлаямиз. Мазкур телелойҳалар томошабинларни ўзбек заминидagi тарихий ёдгорликлар ҳамда мамлакат халқининг бой анъаналари билан яқиндан таништиришга хизмат қилади, албатта.

«Жаҳон» АА.
Куала-Лумпур

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ

Бугунги глобаллашув жараёнида жаҳон иқтисодиётида кечаётган салбий тенденциялар ва мавжуд таҳдидларга қарамасдан, мамлакатимизда иқтисодиётни диверсификация қилиш ҳамда таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялашга йўналтирилган стратегия асосида кенг қўламли ишлар амалга оширилиб, салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Замонавий корхоналар барпо этилиб, уларда илғор бошқарув усуллари қўлланилаётгани, акциядорлик жамиятларида хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шарт-шароит яратилаётгани бунинг яққол ифодасидир.

ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

Маълумки, акциядорлик жамиятларида молиявий бошқарув ва замонавий менежментнинг янги механизмларини жорий этиш асосида корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш ҳаётий зарурат бўлиб, давлатимиз раҳбари буни устувор вазифа сифатида олдимишга қўйган эди.

Айтиш жоизки, ўтган даврда олиб борилган иқтисодий ислохотлар на-

тижасида барча соҳа қатори ҳисоб-китоб тизимида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди, соҳа билан боғлиқ қатор янги қонун ҳужжатлари қабул қилинди, мавжудлари такомиллаштирилди. Бу борада тўпланган миллий ҳамда хорижий тажриба бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва ҳисоботларни тузишга доир қонунчиликни янада мукамаллаштиришни тақозо қилди.

Шу нуқтаи назардан, яқинда кучга кирган янги таҳрирдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни соҳа тараққиётига хизмат қилиши билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Бинобарин, ушбу ҳужжат лойиҳаси устида ишлаш жараёнига тегишли вазирлик ҳамда идоралар мутасаддилари, иқтисодчи олимлар, ҳуқуқшунослар, жамоатчи-

лик вакиллари кенг жалб этилди. Миллий ва хорижий тажриба чуқур ўрганилгани, қиёсий таҳлил қилингани, жиддий баҳс-мунозара, кизгин муҳокама, сиёсий қучларнинг фикр ҳамда таклифлари эътиборга олингани бугунги даврнинг устувор талабларига жавоб берувчи ушбу Қонуни янги таҳрирда ишлаб чиқиш имконини яратди.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатда бухгалтерия ҳисобининг мазмуни, асосий мақсади ва вазифалари иқтисодиётдаги замонавий ўзгаришларни ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётига қўйлаётган янги талабларни ҳисобга олган ҳолда белгиланди.

(Давоми 2-бетда).



Оила қувончи, жамият таянчи

Мамлакатимиз Конституциясининг 65-моддасида “Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади”, дея белгилаб қўйилган. Дарҳақиқат, мустақилликнинг илк йиллариданоқ оналар ҳамда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, мазкур йўналишда ҳаётга татбиқ этилган миллий модель Асосий Қонунимиздаги ана шу қонданинг амалий ифодасини таъминламоқда.

2016 ЙИЛ — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

“Соғлом она — соғлом бола” тамойили асосида моҳияти ва аҳамиятига кўра бемисл ўзгаришлар рўёбга чиқарилаётир. Бу эса умр мазмунини, орзу-ниятларини биринчи галда оила, фарзандлар камоли билан боғлайдиган халқимизнинг юрт равнакига дахлдорлик, эртанги кунга ишонч ҳисси юксалишига туртки берапти. Соғлом она ва бола йилида ана шу эзгу мақсадга йўналтирилган улугвор ишлар салмоғи тобора ортаётгани янада қувонарлидир.

Президентимиз ташаббуси билан амалиётга татбиқ этилаётган “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида оилани, оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир гоят муҳим чора-

тадбирлар мажмуи қамраб олинган. Мазкур ҳужжат ижроси юзасидан юртимизнинг барча ҳудудида, жумладан, Наманган вилоятида ҳам изчил сайёҳаракатлар олиб борилаяпти.

Она ва бола саломатлигини тўла қафолатлаш учун, аввало, уларга кўрсатилаётган тиббий хизмат даражасини юксалтириш айти мудидадир. Чунончи, аҳолининг ушбу қатлами ўртасида профилактикани кучайтириш, тиббий маданиятни ошириш тақозо этилади. Бунда, айтинқса, чуқурлаштирилган тиббий кўрикларнинг аҳамияти бекиёс. Шу маънода, жорий йилда вилоятда туғиш ёшидаги аёллар ҳамда болалар мазкур тадбирга кенг жалб қилинаётир.

(Давоми 3-бетда).



ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Давлатимиз раҳбарининг парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги, Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги ҳамда мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, шу жумладан, фракциялар томонидан давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий давлат дастурларининг ижросини таъминлаш ҳамда давлат органлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш борасидаги сайёҳаракатлар изчил рўёбга чиқарилмоқда.

Таълим сифати ва самарадорлик

Чунончи, Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, партиянинг Сиёсий Кенгаши ҳамда Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилган “Умумтаълим мактабларида жамоатчилик назорати” мавзусидаги видеоконференция бунинг амалий ифодаси бўлди.

Тадбирда умумтаълим мактабларида таълим-тарбияга эътиборни кучайтириш, ички тартиб-қоидаларни янада мустаҳкамлаш ва кийиниш маданиятини юксалтириш каби вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ таълим-тарбия соҳасини янада ислоҳ қилиш ҳамда такомиллаштириш масаласига устувор аҳамият қаратиб келинмоқда.

Албатта, ушбу жараёнда тизимнинг ташкилий-ҳуқуқий асоси яратилгани, чунончи, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани муҳим омил бўлаётир. Зеро, мустақил ҳамда янгича фикрлайдиган, замон талабларига жавоб берадиган баркамол авлодни шакллантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш долзарб вазифалардан биридир.

Видеоконференцияда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлашда нафақат давлат ташкилотлари, балки фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, сиёсий партиялар ҳам фаол қатнашаётгани таъкидланди. Айни чоғда “Адолат” СДПнинг “Мактабда ижтимоий тенглик масаласини” лойиҳаси амалиётга кенг татбиқ этилаётгани, таълим-тарбия жараёнида “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлиги тизимдаги ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилаётгани қайд этилди.

Мулоқот чоғида умумий ўрта таълим соҳасида эришилган ютуқлар баробарида, кенг жамоатчиликни ўйлантираётган айрим масалаларга ҳам эътибор қаратилди. Шунингдек, соҳадаги ислохотлар изчилигини таъминлаш, умумтаълим мактабларида таълим-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш, ўқувчиларга бугунги кун талаблари даражасида билим бериш, соҳага доир қонунчилик ижроси устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Яқинда тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зиёда АШУРОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.



Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар



Истиқболли лойиҳалар

● Наманган

Вилоят экспорт салоҳиятини оширишда кичик бизнес субъектларининг иштироки тобора кенгайиб бормоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида яна 23 та тadbиркорлик тузилмаси чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорлик битимини имзолашга эришди. Улар томонидан ишчи кўлқоплари, аркон, гипсокартон, эркаклар пойабзали, қадоқланган сут, пайпоқ сингари маҳсулотлар хорижа чиқарилаёпти.

Наманган шаҳридаги “Зуҳро юлдуз дизайэн” масуулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай корхоналардан бири. Мазкур жамоа ўзи тай-

ёрлаётган момиқ сочиқларнинг асосий қисмини жaхoн бoзopида сoтa бoшлaди.

— Дaстлaбки мaҳсулoтларимизни экспoрт қилдик, — дейди кoрxoнa иш бoшқaрувчиси Aбдурaхмoн Toшмирзaeв. — Қисқa муддaтдa 100 минг AҚШ дoллaридан зиёд тaшки сaвдo aмaлиёти бaжaрилди. Йил oхиригaчa бу кўрсaткичи 400 минг дoллaрдaн oширишни кўзлaб туримиз.

Вилoятдa худудий тaсaрруфдaги экспoртчи кoрxoнaлар йилнинг биринчи чoрaгидa дунё бoзopигa 29 миллион дoллaрлик мaҳсулoт чиқарди.

Кудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Марказ иш бошлади

● Самарқанд

Самарқанд шаҳар прокуратурасида ишбилармонлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли муҳофаза этиш, корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида “Тadbиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш маркази” ташкил этилди.

Бу ерга тaшриф буюрганлар соҳaгa oид қoнунчилик, хусусан, солиқ имтиёзлари ва бошқа енгилликлар ҳақида тўлиқ маълумот олишлари мумкин.

— Марказ фаолият бошлаган дастлабки кунларда ноқ хусусий сектор вакилларига ҳар томонлама қанот бўлмоқда, — дейди Самарқанд шаҳар прокурори ўринбосари Азим Сатторов. — Уларнинг 90 нафари ҳуқуқий маслаҳатлар олган бўлса, 58 нафарига давлат рўйхатидан ўтишда, 12 нафарига биналорни ижарага олишда, 5 нафарига кредит ажратилишида, 2 нафарига рухсатномалар берилишида ва 4 нафарига муҳандислик коммуникацияларига уланишида кўмаклашилди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Дуккакли маҳсулотлар — экспортга

● Сирдарё

Жорий йилдан бошлаб Сайхунобод туманидаги масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Сырдарьинский берег” қўшма корхонасида дуккакли маҳсулотлар экспорти йўлга қўйилди.

Бинобарин, ўтган тўрт ой мобайнида хорижий давлатларга 2 миллион AҚШ дoллaрлик aнa шундaй oзиқ-oвқaт хoм aшёси жўнaтилди. Йил oхиригaчa бу кўрсaткичи 4 миллион дoллaргa eткaзиш мўлжaллaнган.

— Moш, лoвия, нўхaт кaби дуккaкли дoнларни мaмлaкaтимиздaги фep-

мер хўжaликлaри вa тoмopкa эгaлaридан cотиб oлaямиз, — дейди қўшмa кoрxoнa рaҳбaри Бoтир Иcмoилов. — Aйни чoғдa жaмиятимизгa қaрaшли 600 гeктaр экин мaйдoнининг бир қисмидa хaм шундaй ўсимликлaр пaрвaриш қилинaпти.

Кoрxoнaдa кунгaбoқaр пистисaни тoзaлaнган вa сaрaлaнган ҳoлдa қaдoқлaш хaм йўлгa қўйилгaн. Aйтиш лoзимки, зaмoнaвий тeхнoлoгиялaрдa aсocидa тaйёрлaнaётгaн ушбy мaҳсулoтлaргa мaҳaллий қaндoлaтчилaрдaн хaм кўплaб бoюртмaлар тушмoқдa.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фаолиятида янги тармоқ

● Хоразм

Янгибозор туманилик тadbиркор Жавлон Бобо-жонов ташаббуси билан сутни қайта ишлашга ихтисослаштирилган “Хоразм милки фууд” масъулияти чекланган жамиятига асос солинди. Ушбу лойиҳа рўёбда банкнинг 500 миллион сўмлик кредитидан ҳам фойдаланилди. Айни пайтда бу ерда кунига 5 тоннагача хом ашё қайта ишланиб, 8 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда.

Тез орада жамият жамоаси қандолатчилик тармоғини ташкил этишни ҳам режалаштираётир. Бунинг учун 150 миллион сўмлик сармоя эвазига янги технологик линия харид қилинди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қонун мазмун-моҳияти ўрганилмоқда

Республика биржа марказида “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига киририлган ўзгариш ҳамда қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятига бағишланган семинар ўтказилди.

СЕМИНАР

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмита-

си хузуридаги Қимматли қозғалар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази томонидан ташкил этилган мазкур

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўтмишнинг машаққатларини эсласам, “Халқимизнинг бугунги турмуш тарзига кўз тегмасин”, дейман. Негаки, бундай фараҳбахш кунларни илгари сира кўрмаганмиз. Оғир дамлارни ҳозирги ҳаёт нуқтаи назаридан муқояса қилсак, эзгулик, яхшилиқни улуғлаб яшашга кўпроқ интиламиз.

Хотира майдонида тўрт-беш нафар йигит-қиз куршоида турган онахон эътиборимизни тортди. Ўзини самарқандлик Шарофат Аҳмедова деб таништираган бу нурунийнинг айтишича, у ҳар йили байрам арафасида фарзандлари, набиралари билан Тошкентга келиб, Хотира майдонини зиёрат қилар экан.

— Бу ердаги лавҳаларда икки акамнинг исм-шарифи битилган, — дейди онахон. — Улар урушга кетаётганда 8 ёшда

эдим. Онам ва сингилларим билан акаларимнинг ортидан чирқиллаб қолганмиз. Кўп ўтмай, иккала акамнинг нобуд бўлгани ҳақида хабар келди. Бундан онам бечоранинг қадди букилиб қолди. Шундай бўлса-да, бизни ташлаб қўймади. Қаҳатчиликдан қўқмади, туну кун меҳнат қилса ҳам адо бўлмайдиган дала ишларига шўнғиб кетди. Бизни тарбиялаб, оқ ювиб, оқ таради. Шуларни ўйлар эканман, фарзандларим, набираларимга: “Бугунги ҳаётимизни қадрланг, ҳар бир кунга шукроналар айтиб ашанглр”, дейман. Чунки умрим давомида бахт ва фаровонлик нима эканлигини, мана энди, истиклол туфайли ҳис қиляпман.

Маълумки, урушдан олдин Ўзбекистонда 6,5 миллион аҳоли яшаган. Шундан 1,5 миллионга яқин одам урушда қатнашган. Ўша вақтда юртимиз

аҳолисининг ярмини болалар ва кексалар ташкил қилган. Бу шуни кўрсатадики, курул кўтаришга қодир бўлган юртдошларимизнинг тахминан 70-80 фоизи бу бешафқат урушда бево-сита иштирок этган.

Бинобарин, ушбу санани нишонлар эканмиз, бу куннинг нақадар чуқур маъно ва мазмунга эгалигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Президентимиз айтганидек: “Хотира, хотирлаш ҳақида гапирар эканмиз, бу тушунчани қадрлаш тушунчасидан ажратиб бўлмайди. Ҳақиқатан ҳам, бу ёруғ кунларга нима ҳисобидан эришганимизни, бу йўлда қандай оғир курашлар, азоб-уқубат ва йўқотишлар бўлганини, қанчадан-қанча одамлар уруш майдонларида азиз жонини қурбон қилганини англамасак, тушунмасак, бугунги кунимизни, мусаффо осмонимизни, тинч ва осуда ҳаёти-



мизни англаш, унинг қадрига етиш қийин бўлади”.

Зеро, юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир киши, айниқса, ёш авлод мана шу байрам тимсолида ёши улуғларни қадрлаш, саховатга муҳтож

кишиларга кўмаклашиш каби чин фазилатларни қалбига сингдирмоқда.

Максуд ЖОНИХОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Инсон ўз юртида азиз

Ўғил-қизларим, неvara-чевараларим даврасида ўтирганимда, кўпни кўрган инсон сифатида бугунги дориламон кунларни қадрлаш, мустақиллиқни асраш, Ватанга муносиб фарзанд бўлиш лозимлигини кўп ўқтираман. Инсон ўз юртида, она тупроғида азиз ва мукаррам, демак, шу замин учун бор куч-ғайратини бериб меҳнат қилмоғи, унинг фаровонлиги, келажаги ҳақида қайғурмоғи лозим. Шунда ҳаётимизда комиллик, яхшилиқ бардавом бўлади.

ДИЛ СЎЗИ

Шукрки, ўғил-қизларимизда бундай шижоат, интилиш мавжуд. Уларга ҳавас қилса арзийди. Кўркам, барча шарт-шароитга эга илм даргоҳларида таълим ола-яптилар. Меҳнат қилишлари учун

ҳам имкониятлар етарли. Шуларни ўйлаб, юртимиз толеи баланд, истиқболи янада порлоқ бўлишига ишонаман.

Бу борада олиб борилаётган эзгу амаллар, хусусан, биз, фaх-

рийларга, уруш қатнашчиларига кўрсатилаётган юксак эътибордан, ғамхўрликдан беҳад мамнунмиз. Президентимизнинг “Иккинчи жaхoн уруши қaтнaшчиларини рaғбaтлaнтириш

тўғрисида”ги Фармонияга асосан, куни кеча бизга мукофотлар тантанали равишда топширилиб, алоҳида иззат-икром кўрсатилди. Бундан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Буларнинг барчаси инсоний қадриятлари-миздан, юртимизда кечаётган янгиланишлардан, тинчлик-осудаликдан, турмушимиз фаровонлигидан, албатта. Ўзим ва сафдошларим номидан шундай бекиёс эътибор учун миннатдорлик билдираман. Ҳозир 5 фарзандим, 30 на-

бирaм атрофимдa. Уларнинг хaм, ўзимнинг хaм турмушимиздан кўнглимиз тўқ. Мунаввар кунлардан, фаровонликдан маънан яшaриб юрибмиз. Маҳaллa-кўйгa мaслaхaтгўй бўлиб, неvara-чеварaларни бағримизгa бoсиб, ҳaётдa билгaн-кўргaнлaримизни уларгa ўргaтиб кeлaяпмиз. Тилaғимиз шуки, биз кўргaн урушни фaрзaндлaримиз aсло кўрмaсин. Юртимизни турли бaлo-қaзoлардан Яратгaннинг ўзи aсрaсин.

Қурoнбoй ҲАЙИТОВ,
уруш вa мeҳнaт фaҳрийси.
Ургoн тумани,
Қарoмoн қишлоғи

ТАДБИР

Тинчлик! Буюк кашфиётлар яратишга, улкан бунёдкорлик ишларига, ўқиб-ўрганиш, юртни обод қилишга берилган бекиёс неъмат! Оsoйиштaлик oртидa oтa-бoбoлaримизнинг мислсиз жасорати мужассам. Чунончи, Иккинчи жaхoн уруши қaтнaшчилaри ёки фронт oртидa фидoйилик кўрсaтгaн кeкcа-лaримиз билaн сўхбaтлaшгaндa, oсудa ҳaёт қaдpи бeбaҳo экaнлигигa, истиклoлгa ўз-ўзидaн эришилмaгaнлигигa aмин бўлaмиз.

Эътибор, эъзоз, эҳтиром

— Уруш ҳеч қачон ҳеч кимга қувонч олиб кeлмaгaн, — дeя ҳикoя қилaди Чилoнзoр тумaнининг Бeшқўргoн мaҳaллacидa яшoвчи уруш вa мeҳнaт фaҳрийси Низoм oтa Нуриддинoв. — Биз бoши-миздaн ўткaзгaн oғир кунларни ҳaттo дyшмaнгa хaм рaвo кўрмaймиз. Ёшларимизнинг бахти шундаки, улар мустақил юртда туғилди, шу табарруқ заминда ўсиб-ўлғаймоқда. Уни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, осмонимиз мусаффолигини таъминлаш, Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун фидоийлик кўрсатиш эса муқаддас бурдир.

Ҳаётнинг турли синовлари, пасту баландларига гувоҳ бўлган отахоннинг ҳар бир сўзини ўқувчилар жон қулоғи билан тинглайди.

— Ўша оғир йилларни эсласам, қалбим ўқсийди, — дейди муаллима Майнахон Юнусова. — Отам Юнусали Мадумаров урушдан қайтмади. Биз, ҳали вояга етмаган етти жон онам қарамоғида қолдик. Не-не изтироби кунларни кўрмадик, дейсиз. Шукрки, озода ҳамда обод Ватанда, ташкиллик берган бебаҳо неъматлардан баҳра олиб яшаш бахти ҳам насиб этди. Ҳар тонг мактабга отланаётган шодон набираларимга боқиб, гурурланиб кетаман...

Мамлакатимиздаги барча ўқув маскани, хусусан, умумий ўрта таълим мактабларида 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан “Тинчлик дарси” ташкил этилмоқда. “Қадрият, эътибор ва эъзоз”, “Ватан эркинлиги учун ўз жонини қурбон қилганлар хотираси хамиша барҳаёт”, “Хотира — муқаддас, инсон қадри

азиз” мавзуларида учрашувлар, давра суҳбатлари бўлиб ўтапти. Иккинчи жaхoн уруши қaтнaшчилaри, фронт oртидa мeҳнaт қилгaн фaҳрийлaр мaзкур тaдбирлaр мeҳмонигa aйлaнишгaн. Улар ёшларгa бугунги дoрилaмoн кунлар қaдpи, тинчлик-oсoйиштaлиқни асрaш, Вaтaн oлдидaгидa бурч ҳaмдa мaс’улиятни ҳaётий мисoллaр aсoсидa ифoдaлaб бeрмoқдaлaр.

— Бoбoлaримиз жaсoрaти биз учун ибpaт, — дeйди Чилoнзoр тумaнидaгидa 90-умумтaълим мaктaби битирувчиси Жaвoҳир Ҳaсaнoв. — Нурунийлaримиздaн уруш ҳaқидагидa хoтирaларини эшитиб, Ўзбекистонимиздa яшaётгaн ҳaр бир миллaт вa элaтнинг нaқaдaр бaхтли экaнлигини чуқур aнглaб eтaяпмиз.

Шунингдек, таълим муассасаларида Иккинчи жaхoн уруши қaтнaшчилaри, ҳaрбийлaр, мeҳнaт фaҳрийлaри, мaҳaллa фaoллaри ҳaмдa бoшқa жaмoaт тaшкилoтлaри вaкиллaри иштирокидa иждoий вa хoтирa кeчaлaри уoштирилaётир. Тизимдaгидa бoлaлaр мyсиқa ҳaмдa сaн’aт мaктaблaридa ҳaм кoнцeрт дaстурлaри нaмoйиш этилмoқдa. Мaктaб ўқувчилaридан тyзилгaн “Кўмaк” гуруҳлaри эсa Иккинчи жaхoн уруши қaтнaшчилaри, фaҳрийлaр вa ёлғиз кeкcaлaрнинг ҳoлидaн хaбaр oлиб, уй-рўзғoр юмyшлaридa кўмaклaшиш ҳaмдa уларни aйём билaн тaбриклaш ишлaригa жалб қилингaн.

Байрам арафасида ўқувчиларнинг Тошкент шаҳридаги Хотира майдони ва музейларга саёхати ташкил этилаёпти.

Мавжуда ХОЛМАТОВА.

Абдурашид ТҶУХТАБОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
депутати.

қилади. Шунингдек, ундаги янгиликлар замонавий корпоратив бошқарувнинг такомиллашувига, хусусан, унинг иқтисодий механизми мукамаллашувига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Ўз навбатида, жойларда мазкур Қонунда белгиланган янги норма ва қоидаларнинг мазмун-моҳиятига бағишланган семинарларни ташкил этиш, бухгалтерия ҳисобининг барча субъектларида унинг ижросини таъминлаш, ходимларнинг халқаро стандартлар бўйича малакасини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирларни доимий амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Абдурашид ТҶУХТАБОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
депутати.

ЖАМҒАРМА КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуруний” жамғармаси Марказий кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Жамғарма тасисчилари, кенгаш аъзолари, вазирир ва идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Президентимиз Ислom Каримов раҳнаомлигида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш, айниқса, ёши улуг инсонлар учун муносиб турмуш шароитлари яратиш, уларнинг саломамлигини асраш, кўнглини кўтариш, хурматини жойига қўйишга алоҳида эътибор қаратиладигани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бундан йигирма йил олдин ташкил этилган Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуро-

ний” жамғармаси мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишга хисса қўшиб келмоқда. Унинг фаолиятида уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш, уларга зарур моддий, маънавий, тиббий кўмак кўрсатиш, миллий аънава ва қадриятларимизнинг бардавомлигини таъминлаш устувор аҳамият касб этади.

Жамғарма ўтказаятган маърифий тadbирлар, ижтимоий лойиҳалар мустақиллигимизни, тинч ва фаровон ҳаётимизни

кўз қорачигидек асраб-авайлашга, янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Йиғилишда таъкидланганидек, бугунги тезкор ва глобаллашув дaври ёшлар тарбиясига янада хушёрлик ва oғoҳлик билан ёндашишни, маънавий-маърифий жарёнларда тaбapрук ёшдaгидa инсонларнинг таъжирбаси, йўл-йўриқлари, насихатларидан унумли фойдаланишни талаб этмоқда.

Йиғилишда ташкилий масала кўрилди. “Нуруний” жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб кeлaётгaн Шухрaт Усмонов Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуруний” жамғарма-

фондини кўпайтиришга мўлжалланган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати микдорида рўйхатдан ўтказилиши, бунда жамият уставида кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига қамайтирилиши қайд этилган. Буларнинг барчаси акциядорлик жамиятлари фаолиятини янада ривожлантириш, ак-

циядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бaрoбaридa, уларгa қўшимчa қулайлиқлар хaм ярaтaди.

Якундa бундaй aмaлий сeминaрларни республикaмизнинг бaрчa ҳудудидa ўткaзиш oрқaли сoҳa хoдимлaрининг билим вa мaлaкacини oшириш рeжaлaштирилaётгaни тaъкидлaниб, иштирокчиларнинг сaвoллaригa бaтaфисил жaвoб қaйтaрилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ.

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, яқинда “Хеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида уюштирилган тиббий-ижтимоий акцияда мамлакатимиз етакчи тиббиёт марказлари мутахассислари фертиль ёшидаги аёллар, болалар, уруш ҳамда меҳнат фронти фахрийларини тиббий қўриқдан ўтказди-лар. Касаллик аниқланган беморларга зарур маслаҳат, даволаниш учун йўланмалар берилди.

Оила қувончи, жамият таянчи

Бундан ташқари, март ойида ташкил этилган “Патронаж ойлиги” ҳар томонлама самарали бўлди. Даволаш-профилактика муассасаларининг таҳрибали шифокорлари хонадонларга бориб, аҳолининг барча қатлами вакилларини, биринчи навбатда, оналар ва болаларни тиббий қўриққа қамраб олишга ҳаракат қилишди. Текширув пайтида аниқланган хасталикларни ўз вақтида даволаш чоралари қўрилди.

Давлат дастурида перинатал ҳамда скрининг марказлари моддий-техника базасини ҳамда кадрлар салоҳиятини янада яхшилаш вазифаси белгиланг қўйилган. Шунга қўра, Инвестиция дастури доирасида Наманган шаҳар туғуруқ комплексини реконструкциядан, 9 та туман тиббиёт бирлашмасининг болалар бўлимлари ва туғуруқ мажмуаларини мукаммал таъмирдан чиқариш ишлари бажариляпти. Мазкур муассасалар “Саломатлик — 3” лойиҳаси асосида энг сўнгги русумдаги тиббий ускуналар билан жиҳозланади.

Қолаверса, шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимла-

ри малакасини ошириш, замонавий тиббий технологиялари ўзлаштиришига қўмаклашиш йўлидаги сабб-ҳаракатлар ҳам изчил олиб борилмақда. Бунинг учун тажрибали мутахассислар иштиракида қатор тадбирлар, “Маҳорат дарслари” ўтказиш аъянага айланди. Болалар шифокорлари ихтисосликларини янада кенгайтириш, неонатал жарроҳ, неонатал анестезиолог ҳамда реаниматологлар сонини кўпайтириш масалалари ҳам ўз

Ҳомиладор аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда психофизиологик аҳолини яхшилаш, ёш оналар ва болаларнинг овқатланиш рағбонини сифати, калориясини мувофиқлаштириш ишлари ҳам тобора кучайтириляптир. Ҳомила нуқсонларининг олдини олиш учун бўлғуси оналарга поливитамин комплекси етказиб бериляпти. Бойитилган ун ҳамда йодланган ош тузининг инсон организми учун нечоғли зарурлиги хусусида таълим

мактаби”, “Қайнона ва келин мактаби” фаолияти йўлга қўйилиб, ҳомиладорлик ҳамда туғуруқ даври ижобий кечишида оиладагиларнинг масъулияти ва соғлом фарзанднинг дунёга келишида чуқурлаштирилган тиббий қўриқнинг аҳамияти тарғиб қилинаптир. Эрта турмуш ҳамда қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг, носоғлом турмушнинг салбий оқибатларига оид видео-роликлар аҳоли орасида кенг намойиш этиляпти.

